



2020 йил 26 июнь

№ 90/VI-9

Термиз шаҳри

Сурхондарё вилоятида ташқи реклама объектларига (конструкцияларига) ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида” 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарорига асосан Сурхондарё вилоятида ташқи реклама объектлари учун йиғимлар миқдорларини белгилаш мақсадида, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилоятида ташқи реклама объектларига ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш тўғрисида вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи Э.Эшкелдиевнинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сурхондарё вилоятида ташқи реклама объектлари (конструкциялари)га ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар миқдори иловага мувофиқ белгилансин.

3. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари мазкур қарор кучга кирган санадан бошлаб иловага асосан белгиланган йиғимлар миқдорига мувофиқ, ташқи реклама объектлари бўйича 2020 йил учун тузилган шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4. Белгиланган йиғим тарифлари тўғрисидаги маълумотлар ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқини олган юридик ёки жисмоний шахсларга вилоят телевидениеси, “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти (www.surxondaryo.uz) орқали етказилиши таъминлансин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (А.Тошқулов) зиммасига юклансин

6. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга кирилади.

Кенгаш раиси



Т.Боболов



Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг
2020 йил 26 июндаги 90/VI-9-сонли қарорига илова

**Сурхондарё вилоятида ташқи реклама объектларига (конструкциялари)га
ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) учун йиғимлар миқдори**

№	Реклама объектларининг турлари	Ўлчов бирлиги	Бир ойга (сўм)
I. Ер участкаларида ўрнатилган алоҳида турувчи конструкциялар			
1.1	кичик форматдаги (2,19 кв.м.гача)	1 кв.м	4 000
1.2	ўрта форматдаги (2,2 кв.м.дан 12 кв. м.гача)	1 кв.м	4 000
1.3	катта форматдаги (12 кв.м.дан 18 кв. м.гача)	1 кв.м	4 000
1.4	ўта катта форматдаги (18 кв.м. дан ортиқ)	1 кв.м	4 000
1.5	ҳажмли-фазовий қурилма	1 кв.м	10 000
1.6	байроқли рекламалар тўплами (композиция)	1 кв.м	4 000
1.7	реклама модулларига эга кўрсаткичлар	1 кв.м	4 000
1.8	умумий майдони 3 кв.м. дан ортиқ афиша деворлар	1 кв.м	4 000
II. Биноларда ўрнатилган алоҳида турувчи конструкциялар			
2.1	бинонинг ташқи қисмида жойлаштирилган конструкциялар	1 кв.м	4 000
2.2	биноларнинг том қисмларидаги конструкциялар - меъморий шакл (хайкаллар)	1 кв.м	4 000
2.3	майдони 2 кв.м ва ундан ортиқ бўлган йирик конструкциялар	1 кв.м	4 000
2.4	павильонлардаги конструкциялар	1 кв.м	4 000
2.5	кўча мебели, хусусан, реклама модули ўрнатилган ўриндиқлар	1 кв.м	4 000
2.6	майдонли тўсиқлардаги конструкциялар	1 кв.м	4 000
2.7	кўприкларда, йўл ўтказгичлар, қувур линиялари, ёритиш тиргақларида ўрнатилган конструкциялар	1 кв.м	4 000
2.8	маркизлар	1 кв.м	4 000
2.9	проекцияли узатма	1 кв.м	12 000
2.10	консоль панеллар	1 кв.м	12 000
2.11	имиджли реклама ва ахборот қурилмалари	1 кв.м	12 000
2.12	реклама блоклари	1 кв.м	4 000
2.13	ҳажмли-фазовий қурилма	1 кв.м	12 000
2.14	том усти ёруғли реклама конструкцияси	1 кв.м	12 000
III. Ташқи реклама вақтинчалик объектлари (конструкциялари)			
3.1	қурилиш майдончаларидаги 2 кв.м ва ундан кўп бўлган вақтинча реклама тўсиқлари	1 кв.м	4 000
3.2	2 кв.м ва ундан кўп бўлган умумий овқатланиш ва савдо нуқталаридаги реклама	1 кв.м	4 000
3.3	вақтинча турдаги киосклар ва павильонлардаги реклама	1 кв.м	4 000
3.4	плакатлар, чодирлар, соябонлар, каноплар, байроқлар, осмабайроқлар, елканли байроқлардаги реклама	1 кв.м	4 000
3.5	ностандарт шаклдаги конструкциялар	1 кв.м	4 000
3.6	промоқурилмалар	1 кв.м	4 000
3.7	алоҳида турувчи ёруғли кронштейнлар	1 кв.м	12 000
IV. Ёруғли-диодли мониторлар, электр экранлар (видео экранлар, югурувчи сатрлар дисплейлари ва бошқалар)			
4.1	50 кв.м.гача	1 кв.м	45 000
4.2	51 кв.м.дан 150 кв.м.гача	1 кв.м	25 000
4.3	151 кв.м.дан 300 кв.м.гача	1 кв.м	15 000
4.4	300 кв.м. дан ортиқ	1 кв.м	8 000